SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 24-yanvar • Seshanba • 10 (27.502) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
## ҚАРОРИ

# «ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ» ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

**2006 йилнинг юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан ҳамда халқимизнинг маънавий қадрияти сифатида ҳомийликнинг роли ва аҳамиятини кучайтириш, ҳомийлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ушбу жараёнда аҳоли кенг қатламлари, барча мулкчилик шаклидаги ташкилотлар ва корхоналарнинг иштирокини кенгайтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш, уларнинг аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасидаги ҳиссасини ошириш, шунингдек, тиббиёт ходимлари касбининг обрў-эътиборини кўтариш ва меҳнат шароитларини яхшилаш мақсадида:**

1. Қуйидаги масалалар «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»нинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

мамлакат бўйича, минтақалар, шаҳарлар, туманлар ва аҳоли пунктлари миқёсида аҳолининг ижтимоий ночор қатламлари, биринчи навбатда ногиронлар, ёлғиз кексалар, кам таъминланган оилалар ва етим-есирларга аниқ моддий ёрдам кўрсатиш ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш, кексалар ва ногиронлар интернат-уйларида, «Меҳрибонлик» уйларида, жисмоний ва ақлий ривожланишда орқада қолган болалар мактаб-интернатларининг шарт-шароитларини яхшилаш;

ҳомийликнинг мустаҳкам кафолатланиши ва ижтимоий нуқтаи назардан кенг эътироф этилишини таъминлайдиган қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани шакллантириш, ўз даромадларининг бир қисмини қалб амри билан ҳомийлик мақсадларига йўналтиришга тайёр олижаноб инсонларнинг холисона интилишларини қўллаб-қувватлаш, халқимиз, айниқса ёшларнинг онгида меҳр-мурувват, саховат ва ҳиммат каби эзгу инсоний фазилатларни юксалтириш;

жамият ҳаётида тиббиёт ходими касбининг нуфузи ва унинг мақомини ошириш, моҳир шифокорлар, тажрибали ҳамширалар ва меҳнатсевар санитарларнинг машаққатли ва масъулиятли ишларини моддий ҳамда маънавий рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитларини яратиш;

тиббий хизматлар сифатини ошириш, аҳолининг барча табақалари қамраб олиниши ва эркин фойдаланишини таъминлайдиган соғлиқни сақлаш тизимининг замонавий моддий-техника базасини, жумладан, хайрия ташкилотлари ва ҳомийларнинг маблағларини жалб этиш ҳисобига, янада мустаҳкамлаш ва ундан самарали фойдаланиш.

2. Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда хайрия жамғармалари билан биргаликда ишлаб чиқилган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастури тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда ҳомийлик тушунчаси ва унинг мазмун-моҳиятини аниқ белгилайдиган, юридик ва жисмоний шахсларнинг кўмакка муҳтож инсонларга ёрдам кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш, жумладан, давлат томонидан тегишли имтиёзлар ва қўшимча имкониятлар беришнинг яхлит тизимини яратишни назарда тутадиган «Ҳомийлик тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритсин;

икки ҳафта муддатда «Тиббиёт ходимлари куни» касб байрамини таъсис этиш бўйича таклифлар киритсин.

4. «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси (Мирзиёев):

нодавлат ташкилотлари, биринчи навбатда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, бизнес, фирмалар, компаниялар, халқаро хайрия тузилмаларининг вакилларини ҳомийлик ишларига кенг жалб этиш ва шу асосда ҳомийликни оммавий ижтимоий ҳаракатга айлантириш, мазкур ҳаракат нафақат ушбу Дастур доирасида чекланиб қолмасдан, мамлакат ижтимоий муносабатлар тизимида ўзининг доимий ўрнига эга бўлишини таъминлашга қаратилган барча зарур шарт-шароитларни яратсин;

икки ҳафта муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари томонидан ҳар бир аҳоли пункти, туман, шаҳар ва идоралар бўйича «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинишини таъминласин;

давлат бошқаруви республика ва ҳудудий органлари ҳамда жамоат ташкилотлари даражасида ушбу Дастур бўлимлари ҳамда бандларини тўлиқ ва сўзсиз бажариш бўйича ишларнинг мувофиқлаштирилишини ташкил қилсин ҳамда Дастурга киритилган тадбирларнинг бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

5. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпания, оммавий ахборот воситалари «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурининг мақсади ва аҳамиятини очиб бериш юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилишини, унда назарда тутилган тадбирларнинг бажарилиши, шу жумладан, аҳоли ўртасида меҳр-мурувват, ўзаро ёрдам ва ҳомийлик ғоялари мустаҳкамланишига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, савобли ишларни амалга ошираётган фуқаролар, маҳаллалар, корхона ва ташкилотлар жамоаларининг қўшаётган ҳиссалари мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2006 йил 23 январь



## «ТОШТЕКСТИЛЬ»: ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

Тўқимачилик саноати таркибида фаолият юритаётган ва энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланаётган янги корхоналар олдига бугунги кунда мамлакатимизда тайёрланаётган пахта толасининг 50 фоизини қайта ишлаш вазифаси қўйилмоқда.

«Тоштекстиль» Ўзбекистон — Германия — Туркия қўшма корхонаси айни шу мақсадга хизмат қилади. Корхона «Тошқишлоқмаш» очиқ акциядорлик жамиятининг илгари фойдаланилмай келаётган ишлаб чиқариш майдонлари негизида ташкил топди. Мазкур жамиятнинг хорижий таъсисчилари — Германиянинг «Шульц» фирмаси ва Туркиянинг «Мимекс групп» компанияси бўлиб, қувватлари лойиҳасининг умумий қиймати 14 миллион еврони ташкил этди. Шуниси муҳимки, корхона хорижий сармоядорларнинг ўз маблағи ва «Асака» давлат акциядорлик тижорат банки кредити эвазига молияланди. У йилига 3850 тонна бўялган трикотаж мато ва 6 миллион дона трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконини беради. Экспорт салоҳияти эса 10 миллион АҚШ доллари билан ўлчанмоқда. Бўлғуси цехларда Германия, Италия ва Америка фирмаларида ишлаб чиқарилган юқори технологик ускуналар ўрнатилмоқда. Келгусида бу ерда 700 нафар йигит-қиз муқим иш жойлари билан таъминланади. Ишлаб чиқариш қувватлари тўла ишга тушгач, ишчилар сони бир ярим минг нафар кишига етиши кутилмоқда.

Ҳозирча ишлаб чиқаришнинг иккинчи босқичида йигирув цехи барпо этиш мўлжалланди. Бу — калавани қайта ишлаш, тайёр тикувчилик ва трикотаж маҳсулотлари тайёрлаш учун қулай шароит яратади. Мутахассислар фикрича, соҳанинг хорижий сармоядорлар учун жозибадорлиги — унинг барқарор хомашё базаси ва юқори малакали ишчи-кадрлар ҳамда мамлакат раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши, шунингдек, қулай иш шароитлари билан боғлиқлигидир.

**Абдуғани СОДИҚОВ**

**Суратларда**: корхона фаолиятидан лавҳалар.



# ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

**Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раиси Аслиддин РУСТАМОВ олиб борди.**

Дастлаб, Қонунчилик палатаси мажлиси кун тартибига иккинчи ўқишда киритилаётган «Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Бу тўғрида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Абдуманноб Раҳимов ахборот берди. Унинг таъкидлашича, мазкур қонун номидан ҳам маълумки, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни Қонунчилик палатасига киритиш тартиб-тамойилларини белгилайди. Лойиҳаларнинг мукаммал, пишиқ-пухта, жамоатчилик фикрини ўрганган ҳолда ишлаб чиқилишига хизмат қилади.

Қонунчилик палатасининг аввалги мажлисларида «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда маъқулланган эди. Шундан сўнг палата қўмиталари, фракциялар, депутатлар, олим ва мутахассислар, жамоатчилик вакиллари томонидан билдирилган кўплаб турли фикрлар инобатга олиниб, лойиҳа иккинчи ўқишга тайёрланди. Фракция йиғилишида мазкур масала юзасидан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Нурдинжон Исмоилов ахборот берди. Ушбу қонун мамлакатимизда вужудга келаётган янги, муқобил ва нодавлат судлари ҳисобланган ушбу институтнинг ҳуқуқий асосларини яратади.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши ҳозирги кунда амалда бўлган қатор қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тақозо этади. Шу боис, палата йиғилишига биринчи ўқишда «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси киритилмоқда. Бу ҳақда фракция аъзоси, ушбу қонуннинг ташаббускорларидан бири Анвар Шукуров батафсил ахборот ва тушунтиришлар берди.

Ушбу қонун асосида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Хўжалик процессуал кодекслари, қатор қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, Фуқаролик кодексининг иловаси бўлган ҳакамлар судлари тўғрисидаги низом ўз кучини йўқотган деб топиш таклиф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005 йилги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни ҳам депутатлар қизғин муҳокама қилдилар. Бу масала юзасидан фракция аъзолари ўз фикрларини билдирдилар.

Кун тартибидаги охирги масала — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2006 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисидаги масала ҳам қизғин муҳокамага сабаб бўлди. Бу ҳақда ахборот берган фракция раисининг ўринбосари Анатолий Козлов палатанинг жорий йилда самарали ишлаши бугун унинг ўз асосий йўналишларини қанчалик аниқ белгилаб олишига боғлиқ эканлигини таъкидлади.

Кўрилган барча масалалар юзасидан фракциянинг позицияси белгилаб олинди.

**Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири**

**ЎзХДП: жамоатчилик қабулхоналарида**

# ЭЛЕКТРНИ ЎЧИРИШ БЎЙИЧА ЖАДВАЛ

борлиги аниқланди. Бу жадвал Наманган вилоят электр тармоқлари корхонаси тизимидаги барча шохобчаларда мавжуд экан

— Биз жамоатчилик қабулхонаси фаолиятини ташкил этишда фаолларимиз, депутатларимиз билан маслаҳатлашиб, мулоқот манзилини фуқаролар учун зарур бўлган ахборот воситалари билан жиҳозладик. Биринчи навбатда барча даражадаги депутатларимизнинг аниқ манзиллари, телефон рақамлари рўйхатини тайёрладик — дейди ЎзХДП Наманган вилояти кенгаши масъул ходими Анваржон Насриддинов. — Вилоят, шаҳар ва туман прокурорлари, Ички ишлар идоралари раҳбарлари, истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизими масъуллари, адлия бошқармаси, суд ва бошқа барча ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари, шунингдек, хизмат кўрсатиш ташкилотлари, уларнинг раҳбар-мутахассислари ҳақидаги маълумотларни жамладик. Фаол тарғиботчиларимиз орқали партия кенгашлари қошида жамоатчилик қабулхонаси ташкил этилгани, унинг мақсадлари ҳақида кенг ташвиқот олиб бормоқдамиз.




Ўтган қисқа вақтда вилоят, туман ва шаҳар партия кенгашлари қошидаги қабулхоналарга 100 дан зиёд мурожаатлар бўлди. Бир фуқаро махсус маълумотга эга бўла туриб ишсиз юрганидан арз қилса, иккинчиси машғулотининг ўзига маъқул эмаслиги, ишсиз қолишдан чўчиб иложсиз ишлаётганидан шикоят қилади. Бошқа бир фуқаро эса чет элга чиқиб ишлаш учун бировга катта миқдорда пул бериб, энди ундиролмаётганидан хуноб. Вилоят ва Наманган шаҳар партия кенгашларининг жамоатчилик қабулхоналари бир бинода жойлашгани учун мурожаат қилувчиларнинг кўпчилиги шаҳарлик фуқаролар. Улар асосан табиий газ ва электр таъминотидаги асоссиз узилишлар бўйича шикоят қилишмоқда.

2-бет

**Журналистлар диққатига!**

# «ОЛТИН ҚАЛАМ» ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ

## ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ УЧУН

«Олтин қалам» халқаро танлови Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бўлиб, у миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик позициясини намоён этиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндошувларни шакллантириш мақсадида ўтказилади.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази танлов ташаббускорлари бўлиб, у ҳар йили ўтказилади. Танлов натижалари 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни эълон қилинади.

Танлов турли номинацияларда маҳаллий ОАВ — телевидение, радио, матбуот (охиргиси интернет-журналистикани ҳам ўз ичига олади) ходимлари ўртасида ўтказилади. Битта номинация эса чет эллик журналистлар учун мўлжалланган. Танловда қатнашиш учун буюртмалар ОАВ жамоаларидан, ижодий уюшмалардан, журналистика йўналишидаги нодавлат нотижорат ташкилотлардан (даъвогар биттадан ортиқ бўлмаслиги керак), шунингдек, мустақил журналистлардан қабул қилинади.

«Олтин қалам» танловини ҳар йили ўтказиш билан боғлиқ харажатлар ва танлов ғолиби учун мукофотлар давлат бюджети ҳамда республикадаги, шунингдек, халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштирилади.

### 1. «ОЛТИН ҚАЛАМ» НИШОНИНИНГ ТУЗИЛИШИ.

«Олтин қалам» нишони «Рондо» пероси шаклида бўлиб, перонинг уч қисми юқорига қаратилган ҳолда жойлаштирилган. Нишон кўкракнинг чап томонига тақилади. Нишон кумушдан ясалади ва тилла суви билан қопланади.

### 2. ТАНЛОВ ШАРТЛАРИ:

2.1. Танловга аввалги йилнинг 31 мартидан жорий йилнинг 31 мартигача бир йил давомида газета-журналларда чоп этилган, радиода эфирга узатилган ва телевидениеда намойиш этилган материаллар 10 апрелгача қабул қилинади.

2.2. Танлов икки кўринишда ўтказилади:

Асосий номинация — энг яхши журналистик материал учун. Мукофотлар ОАВларининг уч тури бўйича таъсис этилади:

— телевидение;

— радио;

— матбуот (интернет-журналистика ҳам киради).

— Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги номинациялар:

— журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун;

— йилнинг энг яхши дебюти учун;

— энг яхши карикатура учун;

— энг яхши фоторепортаж учун;

— чет эллик журналистнинг Ўзбекистон тўғрисидаги энг яхши материаллари учун.

2.3. Танловга босма, радио ва телематериаллар (камида 5 та иш) тақдим этилади. Босма нашр учун: материал чоп этилган даврий нашрнинг асли (ёки нусхаси).

Телекўрсатув (видеоматериал)лар учун:

— видеоматериалларнинг давомийлиги 3 минутдан 30 минутгача бўлиши керак;

— материал, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишида бўлмасин, рангли тасвирда бўлса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Радиоэшиттириш (аудиоматериал)лар учун:

— материалларнинг давомийлиги 5 минутдан 30 минутгача бўлиши керак;

— материал ёзилган аудиокассета ёки системали диск.

2.4. Ишга муаллиф тўғрисида қуйидаги маълумотлар илова қилинади:

— фамилияси, исми ва отасининг исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;

— манзили, телефони;

— паспортга оид маълумотлари.

### 3. ТАНЛОВНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ.

Танлов иштирокчиларининг ишларини етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор вазирлик ва идораларнинг вакиллари орасидан танланган халқаро ва республика экспертларидан иборат танлов ишларини кўриш ва баҳолаш бўйича ҳайъат кўриб чиқади.

Ишлар қуйидаги мезон бўйича баҳоланади: мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални етказишдаги аниқлик ва ўзига хослик, жанрнинг хилма-хиллиги ва бошқалар. Ҳар бир иш беш балли тизим асосида баҳоланади.

Рағбатлантирувчи мукофотлар доирасидаги «Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун« номинацияси бўйича ғолиблар ҳайъат аъзоларининг оддий овоз бериш йўли билан аниқланади.

Ташкилий қўмитанинг доимий ишлаши кўзда тутилган. Унинг вазифаларига қуйидагилар киради:

— танловни моддий-техник жиҳатдан таъминлаш;

— танлов иштирокчиларининг ҳужжатлари ва матерaлларини қабул қилиш;

— танлов иштирокчиларига хабар бериш.

Ҳайъат таркиби ташкилий қўмита томонидан белгиланади.

### 4. ҒОЛИБЛАРНИ МУКОФОТЛАШ.

4.1. Танловнинг асосий номинацияси бўйича ғолиблар «Олтин қалам» нишони ҳамда энг кам иш ҳақининг 150 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

4.2. Танловнинг бошқа номинациялари бўйича ғолиблар дипломлар, статуэткалар ва энг кам иш ҳақининг 75 баробари миқдорида пул мукофоти билан тақдирланадилар.

4.3. Танлов натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

4.4. Мукофотлар ҳар йили 3 майда тантанали равишда топширилади.

4.5. Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

**Материаллар «Олтин қалам» танлови деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга жўнатилади:**
***Ўзбекистон, Тошкент шаҳри — 700129, Навоий кўчаси, 30-уй.***
***3-қават, 30; 35; 37-хоналар.***
***Телефонлар: 144-37-87; 144-64-61; 144-64-62 Факс: 144-69-65***

**ТАШКИЛИЙ ҚЎМИТА**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

✓ ПОРТУГАЛИЯ

Португалияда мамлакатнинг собиқ бош вазири, чап марказчи Каваку Силва президентлик сайловида ғолиб чиқди. Унинг учун сайловчиларнинг 50,6 фоизи овоз берди.

Каваку Силва социалистлар номзоди Мануэл Алегре ва собиқ президент ҳамда бош вазир Марио Соарешни анча ортда қолдирди.

У 1974 йилдаги инқилобдан кейин Португалияда президентлик лавозимини эгаллаган чап қанот сиёсатчиларидан биринчисидир.

Кузатувчиларнинг фикрича, иқтисодий инқироздан чарчаган сайловчилар ҳукумат тепасида Каваку Силва каби кучли сиёсатчини кўриш истагида. Унинг ғалабаси эса социалистик тузумнинг қулашига олиб келиши муқаррар.

Силванинг ўзи марказчилар позициясидан келиб чиққан ҳолда иш юритиб, ҳукуматнинг иқтисодиётни инқироздан чиқариш ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга интилмоқда.

✓ РОССИЯ

Москвада Жамоат палатаси иш бошлади. Бу органни тузишдан мақсад давлат бошқарувига тегишли бўлган масалаларда жамоатчиликнинг овоз бериш ҳуқуқини таъминлашдир.

Палатанинг Кремльда бўлиб ўтган биринчи пленар мажлиси орган регламенти, унинг раҳбарлари ва Кенгашини тузишга бағишланди.



Палата таркибига бир юз йигирмадан ортиқроқ машҳур шахслар кирди. Улар орасида спортчилар, дин пешволари, рассомлар, тадбиркорлар ва бошқа жамоат арбоблари бор.

Жамоат палатаси котиби этиб «Курчатов институти» Россия илмий маркази президенти академик Евгений Велихов тайинланди. Палатанинг биринчи 42 аъзоси Россия президенти Владимир Путин томонидан кўрсатилди. Бу 42 аъзо эса Россиянинг нодавлат ташкилотларидан қолган аъзоларни сайлашди.

Палатани ташкил этиш ғояси Россия президенти Владимир Путинга тегишли. Бу ғоя президент томонидан 2004 йилнинг сентябрида, яъни Беслан воқеаларидан кейин ҳукуматда ислоҳотларни амалга ошириш доирасида олға сурилганди.

Хонанда Алла Пугачева «болалар, аёллар, оила, демография ва ҳибсга олинганлар» масалалари билан шуғулланиш учун органнинг ижтимоий ривожланиш комиссиясига кириш истагини билдирди.

Жамоат палатаси Россия парламентида қонун лойиҳалари овозга қўйилишидан олдин унга баҳо бериш ҳуқуқига эга. Шунингдек, орган ҳукумат вакиллари фаолиятини баҳолаб боради. Бироқ палата таклифлари ижро этилиши мажбурий эмас. Кузатувчилар эса шу омилнинг ўзи орган фаолиятини самарасиз қилиб қўйиши мумкинлиги ҳақида фикр билдирмоқда.

✓ БОЛИВИЯ



Боливия тарихида илк бор президент этиб сайланган ҳинду қабилалари вакили Эво Моралес расман фаолиятини бошлади.

Ла-Пасда бўлиб ўтган инаугурация маросимида дунёнинг турли давлатларидан келган етакчилар ва юқори мартабали вакиллар иштирок этди.

Инаугурациядан олдин Моралес Андларда яшайдиган ҳиндуларнинг олий сардори этиб тайинланди.

Моралес 2005 йил декабрь ойида бўлиб ўтган сайловда ғолиб чиққанди. Бунгача Жанубий Американинг энг камбағал мамлакати бўлмиш Боливияда тўрт йил ичида бешта президент ўзгарди. Уларнинг икки нафари лавозимини кўчаларда бошланиб кетган тартибсизликлар туфайли ташлаб кетган.

Моралес Боливиянинг туб халқи бўлмиш аймара ҳиндуларининг вакилидир.

✓ ЯПОНИЯ



Япония полицияси дунёга машҳур «Yamaha» корпорациясы қароргоҳида тинтув ўтказди.

Гап шундаки «Yamaha» мототехника ҳам ишлаб чиқаради. Учувчисиз бошқариладиган вертолётлар ҳам айнан шу маҳсулот турига киради. Полиция тинтувни ҳарбий мақсадларда ишлатилиши мумкин бўлган учувчисиз бошқариладиган вертолётларнинг Хитойга етказиб берилиши билан боғлиқ иш доирасида ўтказди.

Бундай вертолётлар портатив компьютер ёрдамида бошқарилади.

Японияда бир минг олти юзга яқин бундай вертолёт ишлатилади. Улардан асосан далаларни дорилаш учун фермерлар фойдаланади. Бироқ вертолётлар бошқа мақсадларда, яъни разведка учун ҳам қўлланилиши мумкин экан.

Мамлакатнинг Саноат вазирлиги «Yamaha» вертолётларини Хитойга экспорт қилиш учун рухсат олиши кераклигини таъкидлади. Токио бундай вертолётларни Хитойга жўнатилишини ҳарбий хавф сифатида баҳоламоқда.

«Yamaha» беш йил олдин тўққизта вертолётни Хитойга етказиб берганини тан олиб, бу машиналар фақатгина қишлоқ хўжалигида қўлланиши мумкинлигини билдирди.

Интер-спорт

### ВАЛУЕВ ҚОРОВУЛНИ УРГАНМИШ

Санкт-Петербург шаҳар ҳуқуқ-тартибот органлари WBA йўналиши бўйича жаҳон чемпиони, ўта оғир вазнли боксчи Николай Валуев «Спартак» спорт мажмуасининг 61 ёшли қоровулини урганмиш, деган хабарнинг қанчалик тўғри-нотўғрилигини аниқлаш борасида текшириш олиб бормоқда.

Гап шундаки, қоровул боксёрнинг турмуш ўртоғидан машинасини ажратилган тўхташ жойига қўйишни илтимос қилгани Валуевга маъқул келмаган экан. Воқеа 19 январь куни юз берган. «НТВ Петербург» телевидениеси ахборотига асосланиб «Невский спорт» газетасида ёзилишича қоровулнинг муомаласидан боксчи ранжиган ва уни бир зарб билан йиқитган экан. Нима бўлганда ҳам ҳозир кучли зарбдан жароҳатланган қоровул шаҳар касалхонасининг нейрохирургия бўлимида ётибди. Шифокорлар унга мия қобиғи лат еган, кўкрак қафаси эзилган деган ташхис қўйишган. Шифохонадагилар дарҳол бу ҳақда милиция бўлинмасига хабар қилишган. Ҳозир ана шу воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатиш масаласи ҳал этилмоқда. Валуевнинг ўзи эса Берлинга жўнаб кетган.

XORIJDA

Шарҳ

# «УЧ КАРРА ЙЎҚ» КОНЦЕПЦИЯСИ

## ЁХУД ДУНЁВИЙ ЧЕКЛОВЛАРГА ҚАРАМАЙ ЯДРО ҚУРОЛИГА ЭГА БЎЛИШ ЙЎЛИДАГИ ИНТИЛИШЛАР ҲАҚИДА

Инсониятга катта зиён-заҳмат етказиш мумкин бўлган, кўзиқоринсимон булут пайдо бўлишига олиб келувчи ядро қуролларининг назоратсиз тарқалиши муаммоси бугунги кунда дунё ҳамжамиятини жиддий хавотирга солаётган масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

Ядро қуролларини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома 1970 йилда имзоланганига қарамай, ҳозир ҳам ҳеч ким ядро қуролининг террорчилар қўлига тушиб қолмаслигига кафолат беролмайди. Тасаввур қилинг, 2001 йил, 11 сентябрда Америкадаги Бутужаҳон савдо ташкилоти биносига қараб йўналтирилган самолётлардан бирида радиоактив моддалар бўлганида нима юз берарди?

Кейинги пайтда террорчи-экстремистлар сиёсий тузум ва унинг етакчиларига қарши курашишда этномиллий ва диний экстремизм йўлига ўтиб олишди. Экспертлар фикрига кўра, XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида экстремизм кучайиши мумкин экан. Шу нарса аёнки, кейинги пайтларда террорчилар нафақат қарашларини, балки ҳужум қилиш усулларини ҳам тобора «мукаммаллаштирмоқда». Уларнинг хунрезлик содир этиш ҳудудлари маҳаллийдан минтақавийга, минтақавийдан жаҳон майдонига чиқиб, глобал хавф туғдирмоқда. Террорчиларнинг ядро қуролларини қўлга киритишга интилиши дунё ҳамжамиятини огоҳ бўлишга даъват этмоқда.

Маълумки, ядро даври 1945 йил 6 августдан, яъни америкаликлар атом бомбани Хиросима устига ташлаган кундан бошланди. Орадан кўп ўтмай, 1949 йилнинг 29 август куни Семипалатинскдаги полигонда собиқ СССРга тегишли ядро қурилмаси муваффақиятли синаб кўрилди. Кейинчалик Буюк Британия 1952 йилда, Франция 1960 йилда ва Хитой 1964 йилда бундай қуролга эга бўлди. Натижада беш давлатдан иборат «ядро клуби» вужудга келди.

Ядро қуролига бошқа давлатлар ҳам эгалик қилишининг олдини олиш мақсадида 1968 йили Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида Шартнома ишлаб чиқилди. Уни Буюк Британия, АҚШ ва собиқ СССР имзолади. Ўшанда бу Шартномага яна қирқ тўртта давлат қўшилганига ҳужжат қонуний кучга кириши ҳақида келишиб олинганди. Бу кўрсаткичга 1970 йилда эришилди ва ҳужжат кучга кирди. Ҳозирда ҳам Шартномани 188 давлат имзолаган. Ҳиндистон, Покистон ва Исроил ҳужжатга қўл қўйгани йўқ.

Ҳиндистон ва Покистон қуролга эга эканлигини яширмаяпти. Улар қачонки, мамлакатлари ядро қуролига эга давлатлар, деб расман тан олинсагина Шартномага қўшилиши мумкинлигини билдиришди. Бироқ Шартномага кўра, 1967 йилнинг 1 январигача ядро қуролини синаб кўрган мамлакатгина ядро қуролига эга мамлакат, деб тан олинади. Исроил давлати ҳеч қачон ўз ядро дастури ҳақида оғиз очмаган бўлсада, мутахассислар бу мамлакатда ядро қуроли яратиш учун барча имкониятлар бор, деб ҳисобламоқда.

1998 йил кутилмаганда Ҳиндистон ва Покистон ядро қуролига эгалик қилаётган давлатлар қаторига қўшилмоқчи эканлигини эълон қилгач, у ёки бу давлат ўз ядро дастури устида иш олиб бораётганлиги ҳақидаги маълумот дунё ҳамжамиятини хавотирга сола бошлади. Айни пайтда ўз баёнотлари билан дунё ҳамжамиятини беҳаловат қилаётган давлат — Шимолий Кореядир. Ушбу давлат вакилларининг Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномадан чиқиш ҳақидаги баёнотлари хавотирлар асоссиз эмаслигини кўрсатади. Бунинг устига ядро қуролларига эгалик қилишга даъвогар мамлакатлар қаторига Эрон, Миср ва Бразилия ҳам қўшилди.

Мисрнинг ядровий дастури 60 йил илгари бошланган эди. 1961 йилда Миср собиқ СССРдан ядро реакторини сотиб олиб, уни Қоҳира яқинига ўрнатади. Бироқ Мисрнинг ядро дастури 1967 йили Исроилга қарши урушда енгилгач ва бунинг натижасида вужудга келган сиёсий ҳамда иқтисодий инқироз туфайли тўхтаб қолди. Ўша вақтда Миср Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномани имзолади ҳам. Аммо мамлакат парламенти Исроил ядро қуроли устида иш олиб бораётганлиги ҳақидаги разведка маълумотларига асосланиб, ҳужжатни ратификация қилишдан бош тортганди. Орадан маълум вақт ўтгач эса Исроил ҳам шартномани имзолайди деган умидда 1981 йили Миср ҳужжатга қўл қўйган. Бироқ Исроил шартномани ҳалигача имзолагани йўқ.

Аргентинада ядро дастурларининг мавжудлиги Бразилиянинг ядро қуроллари устида тадқиқотлар бошлашига сабаб бўлди. У ядро инфратизимини ГФР, Франция ва АҚШ ёрдамида шакллантиришга киришганди.

Аслида Бразилия ядро тадқиқотларини 1930 йилларда собиқ нацистлар Германиясидан қочиб ўтган физик олимлар ёрдамида бошлаб юборади. 1930 йилларда мамлакатда улкан уран кони топилган. Бу эса АҚШ билан ҳамкорлик қилиш учун асос бўлди. 1940 йилда имзоланган шартномага кўра, АҚШ Бразилия уранидан, Бразилия эса АҚШ технология ва ускуналаридан фойдалана бошлади.

1950 йиллар бошида Бразилия бир қатор ғарб мамлакатларидан технологияларни сотиб ола бошлади. 1957 йилда АҚШ ёрдамида Бразилияда биринчи реактор қурилди. 1974 йилдан Бразилия ядро соҳасидаги ҳаракатларини кескин кучайтирди. 1975 йил Вашингтоннинг қаршилигига қарамай Бразилия Ғарбий Германия билан саккизта ядро реакторини сотиб олиш тўғрисида шартнома имзолади. Бу реактор уранни бойитиш ва плутоний ишлаб чиқаришга имкон берар эди. Ядро қуролини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган технологик тизимни қўлга киритган Бразилия 1987 йилда уранни бойитиш технологиясига эга бўлганлигини маълум қилди. Бироқ ўша даврларда ҳукумат тепасига демократик кучлар келгани туфайли ҳарбийларнинг иштаҳаси бўғилгандек бўлди. Чунки барча ядро дастурлар парламент назоратига топширилди. 1988 йилда мамлакат конституциясига киритилган ўзгартиришга кўра, барча ядро тадқиқотлари фақатгина тинчлик мақсадларида олиб бориладиган бўлди. Охир-оқибатда Бразилия ҳам ядро дастурларини тарқатмаслик ҳақидаги шартномани 1997 йили имзолади.

Шу йилда АҚШ ва бошқа бир қатор мамлакатларда хавотир уйғотаётган Эрон ядро дастурига ҳам тўхталиб ўтсак. Қизиғи шундаки, Эронга ядро энергиясини ўзлаштириш миллий дастурини амалга оширишга ўтган асрнинг эллигинчи йилларида америкаликлар ёрдам беришган. Ўша пайтда Эрон Американинг Шарқдаги энг яқин иттифоқчиси эди. Юқорида қайд этилган дастурнинг асосий мақсади Эронни ядро ёнилғиси билан таъминлаш бўлиб, бунинг учун ҳамма шароитлар мавжуд эди. Чунки Эрон ўз ҳудудидан уран қазиб олувчи камсонли мамлакатлар қаторига киради. Американинг фаол иштирокида Теҳрон университетининг Атом маркази қурилгач, 1974 йилда Эроннинг ядро дастурига расман асос солинди. Дастур 1978 йилда, яъни ислом инқилоби рўй берганидан сўнг тўхтатиб қўйилди. Оятулло Ҳумайни 1979 йилда ҳукумат тепасига келгач, Бушердаги деярли тайёр бўлган АЭС қурилишини «музлатиб» қўйди. Ҳумайни ядро қуролини ғайриинсоний омил деб ҳисобларди.

Эрон томонидан ядро дастури устида иш бошланишига яна бир сабаб — Ироқнинг собиқ диктатори Саддам Ҳусайндир. 1980-1988 йиллардаги Эрон ва Ироқ ўртасидаги урушда Ироқ ҳарбийлари Эронга қарши кимёвий қурол ва ракеталар ишлатишди. Эрон армияси бундай ҳужумга бутунлай тайёр эмасди. Эроннинг ядро қуроли борасида бир тўхтамга келишига ўз атом бомбалари устида иш олиб бораётган қўшни Покистон ва Ҳиндистон мамлакатлари ҳам таъсир кўрсатди. Натижада 1991 йил Эрон Бушердаги АЭС қурилишини охирига етказишга қарор қилди.

Жаҳон афкор оммаси эътиборида турган Эрон масаласи Ғарб мамлакатларининг Эронга ишончсизлик билан қараши туфайли янада чигаллашмоқда. Теҳрон эса ядро дастури тинч мақсадларга йўналтирилган ва бу тан олиниши керак, деган фикрда.

Бугунги кунда ядро қуроли тарқалиб кетмаслигининг олдини олувчи омиллардан бири — ядро қуролларини тарқатмаслик ҳақидаги Шартномадир. Шартноманинг биринчи моддасида ядро қуролларига эга мамлакатлар бу қуролларни бериб юбориш, сотиш, ва бу борада маслаҳат бериши тақиқланиши айтилган бўлса, қолган моддалар жаҳондаги ядро қуроли йўқ мамлакатлар бундай қуролларни ишлаб чиқиш, сотиб олиш ва ядро қуролига эга бўлишга интилмаслиги ва ўз дастурларини ядро энергиянинг тинч йўлда ишлатилишига йўналтириши кераклиги баён этилган.

Бир қатор давлатлар Шартномани имзолаган бўлса-да, ядро қуролларига эгалик қилиш иштиёқини йўқотмаган.

Ҳисоб-китобларга кўра, жаҳон ядро арсенали 30 минг дона ядро қуролидан иборат. Захирада эса яна 240 минг дона қурол ишлаб чиқаришга етадиган материаллар мавжуд. Аммо ана шу қуролнинг бир неча донасигина одамзотга тиклаб бўлмайдиган талафот етказиши мумкин. Захираларнинг юздан бир қисми нияти бузуқ одамлар ёки террорчилар қўлига тушиб қолса-чи? МАГАТЭ томонидан 2001 йилнинг 31 мартига қадар ядро ва радиоактив материаллар ноқонуний ҳаракатланишининг 550 ҳолати қайд этилганлиги бу борадаги хавотирларни оширмай қўймайди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ядро соҳасидаги хавфсизликка эришиш учун «уч карра йўқ» концепциясига амал қилиниши керак. Яъни назоратсиз ядро қуролларига — йўқ, ядро қуролларига айланиши мумкин бўлган материалларга — йўқ, ядро қуролига эга бўладиган янги мамлакатлар пайдо бўлишига — йўқ.

Атом энергияси ҳарбий мақсадларда ишлатилишининг олдини олгани учун ва унинг тинч мақсадларда, энг хавфсиз шароитларда ишлатилиши йўлидаги хизматлари учун Нобель мукофотига сазовор бўлган МАГАТЭ бош директори Муҳаммад ал-Барадей айни пайтда қирқдан ортиқ мамлакатлар ядро қуролини ишлаб чиқиш учун керакли технологияларга эга, деб ҳисоблайди.

Жаҳон ҳамжамиятида ҳар бир мамлакат Ядро қуролларини тарқатмаслик ҳақидаги Шартнома шартларини виждонан бажаришига ишонч бўлса-да, шу билан бирга унда тинч ядро дастурлари тўсатдан ҳарбий дастурларга айлантирилмасмикин деган ҳадик ҳам бор. Фақат унда кеч бўлиши мумкин.

**Хуршид РАУПОВ**

Иқтисодиёт ва ислоҳот

# ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС

## ОДИМЛАШ «ШЎРЧИ ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ» ОАЖ ИШЧИ-ХИЗМАТЧИЛАРИ МЕҲНАТИГА БАРАКА КИРИТМОҚДА

Ўтган йили Сурхон воҳаси ғаллакорлари мамлакатда биринчилардан бўлиб, йиллик шартномавий режасини бажардилар. Давлатга 245 минг тоннадан зиёд дон етказиб берилди. Ғаллакорларнинг бу меҳнат ғалабаси дон қабул қилувчилару уни қайта ишловчиларни ҳам руҳлантириб юборди. Зеро, етиштирилган мўл ҳосил тармоқ корхоналарида қайта ишланиб, эл-юрт дастурхонига узатилди-да...

«Шўрчи дон маҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамияти вилоятда йирик дон қайта ишлаш корхоналаридан биридир. Истиқлол йиллари бу ерга хорижий фирмалардан йирик, замонавий тегирмонлар олиб келинди ва маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати ошди. Элеватор сиғими 110 минг тоннага етди.

Мамлакатимиз Мустақиллигининг 14 йиллиги арафасида корхонада олиб борилган бунёдкорлик ишлари кутилгандек якун топди. Авваллари тайёр ун маҳсулотини қадоқлаш учун полиэтилен қоплар узоқ ҳудудлар ёки хорижий давлатлардан валюта эвазига олиб келинар ва оқибатда маҳсулот таннархи кўтарилиб кетарди. Шу боис, 2005 йил бошида полиэтилен қоплар ишлаб чиқариш цехи қурилишига киришилди. Янги йил арафасида у фойдаланишга топширилди.

**...Акциядорлик жамияти раисининг иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Ҳасан Нурматов билан ана шу** цехдамиз. Замонавий дастгоҳлар конвейери ҳаракатда: бир ёқда автоматлашган жараёнлар полипропилен хомашёсини линияга узатаяпти. Нариги томонда эса ипга айланган толалар кейинги дастгоҳларга ўтмоқда. У ердан эса тайёр қоплар чиқаётир. Бирон жойда ип узилиш ёки технологик нуқсон юз бергудек бўлса махсус чироқчалар липпиллаб камчиликдан огоҳ этади ва оператор уни тезда бартараф қилади.

— Хитой Халқ Республикасидан келтирилган мана шу линия оғиримизни енгил қилди, — дейди **цех бошлиғи Фозил Хуррамов.** — Ҳозир бир кеча-кундузда 12 минг донагача қоп ишлаб чиқаряпмиз. Ўртача йилига 4,5 миллион дона қоп тайёрлаш қувватига эга бўлдик. Цех қурилишига 300 миллион сўм маблағ сарфладик. Уни қисқа муддатда қоплаш имконимиз бор. 71 нафар маҳаллий йигит-қиз янги иш жойлари билан таъминланди...

Акциядорлик жамиятида ҳозир қарийб минг нафар киши меҳнат қилаётир. Уларга барча шароит муҳайё. Транспорт воситалари ишчи-хизматчилар хизматида. Ўртача маош 70 минг сўм. Йил якунига кўра, яхшигина дивиденд ҳам бор. Тиббиёт хизмати, стадион, спорт комплекси ишчи-хизматчилар тасарруфида. 100 миллион сўмдан зиёдроқ маблағ сарфланиб бунёд этилган бу мажмуаларда улар йил бўйи ўз саломатликларини тиклаб олишади. Қолаверса, бу ерда атроф маҳаллалардан келган ёшлар ҳам шуғулланишаяпти. Велоэргометр, тренажер, сузиш ҳавзалари доимо гавжум. Кураш залида ёш полвонлар малакали устозлари раҳбарлигида маҳорат оширмоқдалар.

Моддий-маънавий манфаатдорлик ва ижтимоий муҳофаза одамлар меҳнатига барака индириб, корхона кўрсаткичлари салмоғини таъминламоқда. Ўтган йилнинг 11 ойи ичида 121558 тонна буғдой қайта ишланди. Бир тонна буғдой ҳисобига 75,38 фоиз тайёр ун маҳсулоти тайёрлашга эришилди. 91625 тонна ун, 93 тонна макарон уни ишлаб чиқарилди. 2005 йил январь ойидан бошлаб бу ерда «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси томонидан белгиланган лимит асосида макарон ҳам тайёрланмоқда. Бир йилга белгиланган 141 тонналик маҳсулот режаси барвақт адо этилишига эришилди.

Корхонада асосий маҳсулотлар — ун ва макарондан ташқари бошқа маҳсулотлар ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, ўтган йили 48 тонна нон ва қандолат маҳсулотлари тайёрланди. Ундан чиққан 29326 тонна кепакдан эса 14696 тонна омухта ем, 10177 тонна донадор озуқа хўжаликларнинг чорва моллари учун етказиб берилди.

— Корхонамиз ўсишини рақамлар қиёсида ифодалайдиган бўлсак, 2004 йилнинг ўн бир ойида 16 млрд. 374 млн. 637 минг сўмлик маҳсулот тайёрлагандик. 2005 йилнинг шу даврида эса бу кўрсаткич 17 млрд. 549 млн. 697 минг сўмликни ташкил этди, — ҳикоя қилади **жамият бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Йўлдош Мардонов.** — Биз энг аввало, замон билан ҳамнафаслик йўлида маҳсулотларимизга бўлган талаб ва эҳтиёжни ўрганиб чиқдик. Бозор иқтисодиёти шароитидан келиб чиқиб, хорижга ун экспорт қилишни йўлга қўйдик. Ўтган йили (ўн бир ой давомида) Афғонистон ва Тожикистонга 40256 тонна ун сотиб, корхонамизга 7 млрд. 980 млн. сўмдан зиёд маблағ туширдик. 23186,7 тонна (яъни 3 млрд. 565 млн. 390 минг сўмлик) буғдой ҳам экспорт қилдик. Соф фойдамиз йил якунига кўра, бир миллиард сўмдан ошди...

Насиб этса, ният қилганмиз, **«Ҳомийлар ва шифокорлар йили»**ни ҳам барча кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли якунлаймиз. Бунинг учун ҳамма имкониятларимиз бор...

**Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,**
**Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,**
**«Ўзбекистон овози»**
**мухбирлари** t

# ХОРИЖ ТЕХНОЛОГИЯСИ ҚЎЛ КЕЛДИ

«Навоий пахтасаноат» акциядорлик жамияти Испаниянинг «ЮБУС» фирмаси билан ҳамкорликни йўлга қўйгач, уруғлик чигит тайёрлаш, туксизлантириш ва сифатини ошириш кўрсаткичлари икки ҳиссага ортди. Айниқса, уруғликни дорилаш, қадоқлаш ҳамда ер эгаларига пешма-пеш етказиб бериш ишлари тубдан яхшиланди.

— Хориж технологияси ниҳоятда қўл келди, — дейди **жамият тасарруфидаги Навоий пахта тозалаш заводи директори Раҳматилла Бобоев.** — Биз қисқа вақт ичидаёқ тайёрланиши керак бўлган 3580 тонна уруғликнинг тенг ярмини тайёрлаб қўйдик. Айниқса, серҳосил, сертола «Бухоро-6», «Ан-Боёвут-2» уруғлик чигитларини ҳар йилгига нисбатан 1-1,5 баравар кўп тайёрлашга эришаяпмиз. Чунки, тажрибада кенг синалган мазкур ғўза навлари нафақат вилоятимизда, балки қўшни вилоятларда ҳам ўта харидорбоп бўлиб чиқди. Яна бир жиҳати, «ЮБУС» технологияси асосида ишлашга ўтгач, корхонамизда 110 та янги иш ўринлари очилиб, уларда маҳаллий ёш йигит-қизлар самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

**(Ўз мухбиримиз)**

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН

BANK XALQ BANKI

ХАЛҚ БАНКИ



иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида Азиз фахрийларимизга юқори фоизли **«МАТОНАТ»** омонат турини таклиф этади.

**«МАТОНАТ»** омонати йиллик 36 фоиз миқдорида даромад тўлаш шарти билан очилиб, омонатга уларнинг пенсия пуллари нақд пулсиз ўтказилади. Омонатни Халқ банкининг исталган муассасаларида очиш мумкин.

**«МАТОНАТ»** омонатида сақланган маблағларга ҳар ойнинг биринчи санасига фоиз даромади ҳисобланиб, қолдиққа қўшилади ва омонатчиларнинг биринчи талабига кўра берилади.

**ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!**

